

285 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَكْمَلُ الْمُؤْمِنِينَ إِيمَانًا أَحْسَنُهُمْ حُلُقًا، وَخِيَارُكُمْ خَيَارُنِسَائِيهِمْ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ . [1162]

285. Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мўминларнинг иймони комилроғи, хулқи яхшироғидир. Сизларнинг яхшиларингиз, хотинларига яхшилик қиласидиганларингиздир», дедилар».

Имом Термизий ривояти. Имом Термизий ҳасан, сахих, дедилар.

Шарҳ: Эр уйда раҳбар дегани қўпол, қўрс, тўрс, сўконфич, уронғич бўлиши дегани эмас. Балки у гўзал хулқли, одоб-ахлоқли бўлиши, мулоимлик, юмшоқлик сифати билан зийнатланган бўлиши лозим. Барчамиз бўйсунишга, буйруқларини бажариб, ман этган ишларидан тийилишга маъмур бўлганимиз, бутун башариятнинг раҳбари ва саййиди пайғамбаримиз Мұҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ўта гўзал хулқ соҳиби эдилар. Аллоҳ таоло у зотга юмшоқлик ато этган, мўминларга меҳр кўрсатиб, хокисор ва тавозели бўлишга буюрган эди. Аллоҳ таоло деди:

“Эй пайғамбар, Аллоҳнинг сизга ва асҳобларингизга бўлган раҳмати туфайли сиз асҳобларингизга юмшоқ кўнгил ва меҳрибон бўлдингиз. Агар ёмон хулқли, тошбағир бўлганингизда, асҳобларингиз атрофингиздан кетиб қолишган бўларди. Улардан содир бўлган айrim ишлар туфайли уларни айбдор қилманг ва Аллоҳдан уларнинг гуноҳларини кечиришини сўранг. Маслаҳатлашиш керак бўлган ишларда улар билан маслаҳатлашинг” (Оли Имрон сураси, 159-оят).

Аллоҳ таоло аёл кишини эрига итоат этишга буюрган экан, ўз навбатида эр ҳам хотинига нисбатан меҳрибон, ҳалим, ғамхўр бўлиши талаб қилинади.

Аллоҳ таоло эрни хотини билан ором топадиган қилиб қўйган экан, эр ҳам аёлига меҳр-муҳаббатли бўлиши керак.

Аллоҳ таоло деди: “Аллоҳнинг буюклигига, қудратининг комиллигига далил бўлувчи оятлардан бири нафсларингиз ором олиши, яъни роҳат топишларингиз учун (эй эркаклар), ўз жинсингиздан (яъни одам жинсидан) жуфтлар яратди. Ҳамда эр-хотин ўртасига меҳр-муҳаббат солиб қўйди” (Рум сураси, 21-оят).

Манба: hadis.islom.uz

